

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 14

« 20 » июнь 2022 йил

Риштон шахри

Амалдаги низомга асосан иш кўрувчи Риштон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми бундан буён «Буюртмачи» деб юритилувчи номидан К.Рузалиев, биринчи томонидан, амалдаги низомга асосан иш кўрувчи «Абдуллаев Ахаджон» хусусий корхонаси бундан буён «Пудратчи» деб юритилувчи номидан раҳбар Х.Шукуров иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Буюртмачи» нинг топширигига кура «Пудратчи» Риштон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биносида обьектида «Буюртмачи» тақдим этган смета лойиха хужжатлари асосида техникум ошхона биносида жорий таъмирлаш ишларини олиб боради.

1.2. «Пудратчи» уз зиммасига «Буюртмачи» нинг топширигига кура уз материалларини ёки «Буюртмачи» нинг материалларидан фойдаланиб бажарилишини, «Буюртмачи» нинг эса шу ишларни кабул килиб олиш ва унга хак тулаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси 60 000 000 (Олтмиш миллион) (ККС билан) сумни ташкил килади.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома буйича «Буюртмачи» 60 000 000 (Олтмиш миллион) сум маблагни бюджетдан ташкири маблаглар хисобидан амалга оширади;

3.2. Шартномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 3 иш кун ичидан олдиндан бажариладиган ишлар кийматининг 30 фоизи микдорида «Пудратчи» хисоб ракамига хак утказиб берилади;

3.3. «Буюртмачи» бажарилган ишларни «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиклагандан сунг солиштирма далолатнома ва хисоб фактурапларга асосан кабул килиб олади;

3.4. Шартнома буйича охирги хисоб китоб иш тулик тамомлангандан сунг (бунга ишни кабул килиб олиш жараёнида аникланган камчиликларни бартараф этишни хам кушиб) 1 ойдан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1- булимида кузда тутилган ишларни 15 (ун беш) кун муддатда бажаради;

4.2. «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда хак тулаши Республика бюджетдан мунтазам равишда маблаг ажратиб беришга боғлик эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар хакини тулаб бериш муддати 6 (олти) ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган ишлар пудрат иши якунини маҳсус комиссия (Давлат комиссияси) томонидан кабул килиб олинган санадан хисобга олинади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Пудратчи»:

5.1.1. Уз кучи ва воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тута хажмда ва муддатда бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «Буюртмачи» га топшириши;

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, тахлил хамда саклашни амалга ошириш;

5.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларни тузгани тугрисида «Буюртмачи» га ахборот бериши ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обьектни куриклаш буйича зарурий чоратадбирларнинг бжарилишини таъминлаши

5.2. «Буюртмачи»:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда обьектни «Пудратчи» га топшириши;

5.2.2. Ушбу шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларга, шартномада белгиланган микдорда ва муддатда «Пудратчи» га хак тулаш

5.2.3. «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб икки хафта ичидан обьектни кабул килиши шарт.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Буюртмачи» бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан кабул килингандан бошлаб 6 ойгача хакни тулаб бермаса, кечикирилган хар бир кун учун бажарилган ишнинг 0,4% микдорида пеня тулади;

6.2. «Пудратчи» шартнома шартларини бузса, белгиганган муддатда пудрат ишларини тутатмаса, кечикирилган хар бир кун учун кузда тутилган ишнинг 0,4 % микдорида пеня тулади;

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган ва холатлар, бунга кушиб уруш эълон килиниши ёки амалда бошланганилиги, фукаролик тартибсизлиги, сув босиши, ёнгин ва бошка табиий офат билан boglik холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди;

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганилини Узбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги булиб хисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятини бажаришга, унинг таъсир курсатиши ёки монеълик килиши тугрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим;

7.4. Агар бартараф килиб булмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган булса ва тугаш белгилари аникланмаса, . «Буюртмачи» «Пудратчи» бошка тарафга хабар бериш йули билан ушбу шартномани бекор килишлари мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан boglik пайдо буладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокара йули билан хал килинади;

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йули билан хал килиб булмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Риштон туманлараро иктисодий судида курилишга тегишли булади.

9. ШАРТНОМАГА КУШИМЧА ВА УЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кушимча ва узгарттиришлар ёзма равища расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга булади;

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Узбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик Кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асосдор буйича, етказилган заарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин;

9.3. «Буюртмачи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- «Пудратчи» нинг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни Ушбу шартномадаги ишларнинг тамом булиш муддати бир ойдан купга ошиб кетганда;
- «Пудратчи» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида курсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. «Пудратчи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га boglik булмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошмаган муддатга тухтатиб турганда;
- «Буюртмачи» томонидан лойиха хужжатларига узгарттиришлар киритиши билан boglik холда ишларнинг баҳоси 20%идан купга камайганда;
- «буюртмачи» томонидан кейинчалик курилишни молиялаш имконияти йукотилганда.

9.5. «Буюртмачи» ва «Пудратчи» нинг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда, . «Буюртмачи» га тугатилмаган курилиш топширилади. . «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми кийматини тулади.

9.6. Шартномни бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. БОШКА ШАРТЛАР

10.1 Объектлар ва унга киравчи инженерлик тизимлари, жихозлар, материаллар хамда ишларнинг мъсёрида ишлашига кафолатланган муддати, унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикаст етказган холлари бундан истисно килинади, объектни кабул килиш тугрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вактдан бошлаб 1 ой давомида белгиланади. Объектда бажарилган ишларнинг сифатига «Пудратчи» 1 (бир) йил кафолат беради.

10.2. Агар объектнинг қафолатланган фойдаланиш давомида унинг меъёрида фойдаланишга йул бермайдиган камчиликлари аникланса, қафолат муддати улар бартараф килгунга кадар булган вактгача узайтирилади:

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф килиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи» нинг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

10.4. Агар «Пудратчи» аникланган камчиликлар далолатномасида курсатилган муддат ичидаги бажарилган ишларнинг, бунга жихозларни хам кушиб, камчиликларни бартараф килмаса, уларни «Буюртмачи» бошка бошкарувчининг кучи билан харажатларни «Пудратчи» тулаши оркали бартараф килишга хакли;

10.5. «Пудратчи» аникланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда, Буюртмаси малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини, буюртмаси малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш буйича тегишли далолатнома тузади хамда тарафни мазкур масала буйича Риштон туманлараро иктиносидий судига мурожат килиш хукукини истисно килмайди.

10.6. «Пудратчи» курилиш объектининг лойиха хужжатларини ёки унинг ажралмаси кисмларини «Буюртмачи» нинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.

10.7. «Пудратчи» нинг айби билан объекти куриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар «Пудратчи» томонидан, «Буюртмачи» нинг айби билан булса «Буюртмачи» томонидан товон туландади. «Пудратчи» барча холларда, хатто тегишли харажатларни «Буюртмачи» коплаган тақдирда хам етказилган зарарни коплаш учун тезкор чораларини куради.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган, икки нусхада тузилган. Ушбу шартнома “20” июнь 2022 йилдан “31” декабрь 2022 йигача амал қиласи.


10.9. Мазкур шартнома икки томонлама имзоланиб, Фазначилик бўлинмасидан мажбурий рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга эга.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Пудратчи»

“Абдуллаев Ахаджон” хусусий корхонаси
Манзили: Риштон тумани Оқ ер кишлоги
Х/р 20208000500230510001
МФО: 00 795

Банк номи: Халк банки Риштон филиали
ИНН 302596404
ОКОНХ 61110

Рахбар:  X. Шукуров




«Буюртмачи»

Риштон Абу Али ибн Сино номидаги
жамоат саломатлиги техникуми
Манзил Риштон шахри Амир Темур 285а уй
ШХР: 400910860302247092902054001

ИНН: 206923645
Молия вазирлиги Ягона Ғазна х/в
ИНН 201122919

МФО 00014
Марказий банк Тошкент ш. ХКМ
Х/р 23402000300100001010



Рахбар:  K. Рузалиев

Хукукшунос:

ХУКУКИЙ ХУЛОСА

Мен ушбу шартномани хукукий экспертизадан утказдим
Мазкур шартнома да кўрсатилган мұносабатлао Узбекистон
Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлао
фаолиятининг хукукий-хукукий базаси түргижид”ги
Конуни ва Фурӯзни мурасимларни тарабурган тартибга солинади. Ҳамда
шартномада мурасимларни тарабурган тартиби юкорида зикро келади
ва низоланиш
комиҷилик тасобабланига мөг келади

Хукукшунес:

Б.Н.Исмоилиев

